

**“ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ” МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК РИВОЖЛАНИШ ВА
ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

АЛИМОВ МУРОДҚОСИМ АЧИЛОВИЧ

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ
ҚИЛИШДА КАРАНТИН ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2026

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Content of the Dissertation Abstract of doctor of philosophy (PhD)
in Economics Sciences**

Алимов Муродқосим Ачилович

Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт ва импорт қилишда карантин
хизматини такомиллаштириш.....

Алимов Муродқосим Ачилович

Совершенствование службы карантина растений в экспорте и импорте
плодоовощной продукции.....

Alimov Murodqosim Achilovich

Improving the plant quarantine service in the export and import of fruit and
vegetable products.....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ.....

List of published

works.....

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ МИЛЛИЙ
ТАДҚИҚОТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.I.10.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ
ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК
РИВОЖЛАНИШ ВА ТАДҚИҚОТЛАР ХАЛҚАРО МАРКАЗИ**

АЛИМОВ МУРОДҚОСИМ АЧИЛОВИЧ

**МЕВА-САБЗАВОТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ
ҚИЛИШДА КАРАНТИН ХИЗМАТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.04 – Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти

**иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2026

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.2.PhD/Iqt2718 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази” да бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tiame.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Эрхонова Малохат Абсаитовна
иқтисодиёт фанлари бўйича доктори (PhD),
катта илмий ходим.

Расмий оппонентлар:

Етакчи ташкилот: “Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро маркази”

Диссертация ҳимояси “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети ҳузуридаги DSc.03/30.01.2020.I.10.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-46-68, e-mail: admin@tiame.uz

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй. Тел.: (99871) 237-19-45, e-mail: admin@tiame.uz

Диссертация автореферати 2025 йил “___” _____ куни тарқатилди.
(2025 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Қ.А.Чариев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

И.Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Н.С.Хушматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги. Геосиёсий ўзгаришлар ва дунё иқтисодиёти глобаллашув даврида агросаноат комплекси имкониятлари ва жаҳон бозорида тутган ўрнини ўрганиш иқтисодий изланишларнинг муҳим қисмидир. Ўсимлик маҳсулотлари билан халқаро савдо иқтисодий алоқалар ривожланиши ва бунда фитосанитар хавфсизликни таъминлаш муҳим иқтисодий ҳаётий эҳтиёжга айланиб, ривожланаётган мамлакатлар иқтисодида алоҳида аҳамият касб этади. Бу аҳоли бандлигини таъминлаш ва экспортёр давлатлар қишлоқ хўжалиги иқтисодий ривожланишига хизмат қилади. Ўтмишда зарарли организмлар табиий ҳолда тарқалган бўлса, ҳозирги халқаро савдо-иқтисодий алоқалар ривожланиши туфайли транспорт орқали тез ва глобал миқёсда кечмоқда.

“Биз истеъмол қиладиган озиқ овқатнинг 80% ини, нафас оладиган кислороднинг 98% ини ўсимлик дунёсидан оламиз. Айни пайтда ўсимликлар доимий равишда зараркунанда ва касалликлар томонидан янада жиддий ҳалокатларга учрамоқда. Ҳар йили озиқ-овқат ўсимликларининг 40%гача қисми зараркунанда ва касалликлар туфайли йўқотилмоқда. Натижада қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо айланмасидаги йўқотишлар ҳажми йилига \$220 млрд. ни ташкил этмоқда, миллионлаб инсонлар очлик инқирозига юз тутмоқда, қишлоқ хўжалиги ва камбағал қишлоқ аҳолиси даромад манбаи жиддий зарар кўрмоқда.”¹.

Шу боис, иқтисодиёт ва атроф-муҳитга жиддий иқтисодий зарар берувчи организмларнинг кириб келиши ва тарқалиши каби турли рискларни пасайтиришга қаратилган глобал ёндошув талаб этилади. Бу, ўз навбатида, жаҳон миқёсидаги чоралар юқумли касалликлар ва зараркунандалар тарқалишининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Йирик илмий муассаса ва марказлар томонидан карантин хизматини ташкил этиш ва улар фаолиятини самарадорлигини оширишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, карантин стратегияларини такомиллаштиришга қаратилган халқаро ташувлар ва савдо оқибатида юзага келадиган биологик хавфларни баҳолаш ва назорат қилиш; карантин давомийлигини стандартлаштириш ва мувофиқлаштириш учун халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш; фитосанитар карантин жараёнларини автоматлаштириш, сунъий интеллект ва “Интернет буюмлари” орқали биологик таҳдидларни тезкор аниқлаш; дронлар ва сенсорлар орқали зараркунандалар ёки инфекциялар тарқалишини кузатиш; фитосанитар карантин тадбирларини янада самарали қилиш учун зараркунандалар ёки вирусларнинг генетик хусусиятларини аниқлаш каби тадқиқот ишлари шулар жумласидандир.

Мамлакат ҳудудининг фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш ва ўсимликлар карантинини ривожлантириш мураккаб жараён бўлиб, унда иқтисодий, молиявий, ижтимоий, техник, норматив-ҳуқуқий ҳамда ташкилий масалалар чамбарчас боғлиқ ва уларни ҳал қилиш комплекс ёндашувни талаб қилади. Ушбу масалада қатор ислохотлар олиб борилган бўлсада, бугунги

¹ Цюй ДУНЬЮЙ Официальное открытие и старт Международного года охраны здоровья растений. Обращение Генерального директора ФАО. 02.12.2019. РИМ

кунда жаҳон талабига мос маҳсулотларни ишлаб чиқиш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва реализация қилиш инфраструктураси талаб даражасида эмаслиги, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқиш, тайёрлаш, қайта ишлаш ва реализация қилишда илмий тадқиқот ишлари, мутахассисларнинг моддий манфаатдорлиги пастлиги кузатилмоқда. Зеро, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва халқаро бозорларга тайёрлашда турли рақобатбардош устунликлардан фойдаланиб, ташқи бозорга йўналтирмасдан тармоқни барқарор ривожлантириш мумкин эмас. Чунки, мева-сабзавот экспорт- импортида ўсимликлар карантини қишлоқ хўжалиги иқтисодиётининг динамик ривожланишига, тенг ҳуқуқли ва адолатли рақобат учун шарт-шароитни таъминлашга, миллий бозорни, аҳоли ҳаёти ва соғлиги, атроф-муҳитни ҳимоясига йўналтирилган ички ва ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтирувчи чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 августдаги ПФ-5174-сонли фармони, 2021 йил 15 июлдаги ПФ-6262-сон “Республикада ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2017 йил 31 августдаги ПҚ-3249-сонли “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 13 октябрдаги “Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4861-сон қарорлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 январдаги №65-сонли, 2022 йил 7 июлдаги №311-сонли қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимликлар карантини хизмати самарадорлигини ошириш муаммолари хорижий тадқиқотчилардан И.И.Дюмулен, Н.Джаманкулов, Н.Р.Гончаров, А.Д.Орлинский, А.И.Сметник, Н.Г.Купина, В.А.Мальцева, Д.Сэдик, Р.К.Рашевой, С.С.Ильин, У.Ш.Магомедов² ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

² И.И.Дюмулен. Нетарифные меры в современной международной торговле: некоторые вопросы теории, практика и правила ВТО, интересы России”. // Мировая экономика. – № 2 – 2016.; Н.Джаманкулов. Вопросы соответствия системы технического регулирования и СФС мер в ЕАЭС правилам и принципам ВТО. Международный форум по законодательству ВТО 25-27 марта 2015 г. Г. Калининград, РФ. – 93-с.; Н.Р.Гончаров. Развития инновационных процессов в защите растений. Москва – 2009 г. e-mail: vizrpb@mail333.com; А.Д.Орлинский Р.Арнитис. На страже экономической и экологической безопасности. // Защита и карантин растений №4, 2012; А.И.Сметник. Современное состояние и перспективы развития научных исследований по карантину растений Российской Федерации. //Москва, Вестник защиты растений, №1, 1999. – С.56-57; Н.Г.Купина. Новый перечень подкарантинной продукции, или Составляющая философии

Ўзбекистонда иқтисодчи олимлар Ў.Умрзоков, Н.Хушматов, К.Чариев, А.Қодиров, Ш.Муродов³ томонидан мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳамда тармоқ экспорт салоҳиятини ошириш муаммолари йўналишида назарий ҳамда амалий аҳамиятга молик натижалар олинган.

Мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт ва импорт қилишда карантин хизматининг ривожлантириш йўналишида Ш.Т.Хўжаев, О.Сулаймонов, Б.Муродов⁴ ва бошқаларнинг ишларида қисман ўрганилган бўлсада, аграр иқтисодчи олимлар томонидан яхлит диссертация иши сифатида тадқиқот олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикаси аграр сектори иқтисодиётини модернизациялаш ва диверсификациялаш шароитида етиштирилаётган боғдорчилик ва мева-сабзавот маҳсулотларини жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган даражада сифат кўрсаткичларига эга бўлишини таъминлаш, сертификатлаштириш жараёнларини соддалаштириш ва қисқа муддатларда амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Шу жиҳатан танлаб олинган мавзу долзарблик касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги соҳасида стратегик ривожланиш ва тадқиқотлар халқаро марказининг илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш, экспорт-импорт қилиш жараёнида амалга ошириладиган ўсимликлар карантин хизматини такомиллаштириш ва уни ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари: ўсимликлар карантини хизматини ташкил этишнинг назарий асослари, ўрни, аҳамияти, ўзига хос хусусиятлари ва унга таъсир қилувчи омилларни таснифлаш;

выживания государства. Таможенная политика России на Дальнем Востоке № 3(48)/2009. – С.16-21; В.А.Мальцева. Протекционизм в торговле сельскохозяйственной продукцией ЕС-США: оценка переговоров трансатлантического торгового и инвестиционного партнерства”. Торговая политика. Trade policy / 2018. № 2/14.с 132-141.; Д.Сэдик, К.Ульбрихт, Н.Джаманкулов. Система контроля безопасности пищевой продукции в Европейском Союзе и Евразийском экономическом союзе. Торговая политика. Trade policy / 2016. № 2/6.; С.С.Ильин. Аграрный протекционизм: научные основы и механизмы осуществления в условиях рыночных отношений. //Российская молодежь в период макроэкономических трансформаций: условия и проблемы реализации человеческого потенциала; У.Ш.Магомедов. Всероссийский центр карантина растений. Итоги двухлетней работы. Защита и карантин растений, 2008, №1, С 3-7.

³ Ў.Умрзоков, С.Эшматов. Мева-сабзавотчилик қиймат занжирида вертикал ва горизонтал интеграциянинг аҳамияти. Молиячи маълумотномаси журнали. №8 (68). 2017; Хушматов Н.С. Мева-сабзавот маҳсулотлари савдосида кооперацияни ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари. // “Агроиқтисодиёт” – Т.: 2008., №3 – 3-7 б.; Қ.А.Чариев, Азизов Ш.Ю. Деҳқон хўжаликларида қўшилган қийматни яратиш ва оширишнинг ташкилий-иқтисодий асослари. (Монография) – Т.: “Oltin qalam nashriyoti” нашриёти. 2023. – 140 б; Қодиров А. Ўзбекистонда мева-сабзавот маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a64. Iqtisodiyot va ta'lim, 2022 й. 23(5), 383-389.; Муродов Ш.М. Мева-сабзавот маҳсулотларини сотиш соҳасида кооперация муносабатларини шакллантириш: авт... дисс. и.ф.н. – Т.: 2020. 51б.

⁴ Ш.Т.Хўжаев . Ўсимликларни зараркундалардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг замонавий усул ва воситалари. – Тошкент: “Наврўз”, 2015. – 551 б; Сулаймонов ва бошқ. Ўсимликлар карантини асослари ўқув қўлланма. “Fan ziyosi” нашриёти 2021 й.; Б.Муродов ва бошқ. Ўзбекистон Республикасига ўсимликлар карантинидаги зарарли организмларнинг четдан кириб келиб тарқалишини олдини олишда ўсимликларни карантини тадбирлари. Agro kimyo himoya va o'simliklar karantini Maxsus son [1]. 2023.

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини бозорга тақдим қилишда карантин хизмати самарадорлигини баҳолашнинг илмий жиҳатлари;

ўсимликлар карантини хизматининг фаолияти, вазифалари, мажбуриятлари, ҳуқуқлари, бошқарув механизмлари ва уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

карантин хизмати тизимда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш, хизмат кўрсатиш учун тўловларни оптималлаштириш, молиявий-иқтисодий таъминланиши юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

ўсимликлар карантини хизматининг амалдаги ҳолати ва уни такомиллаштириш бўйича хорижий ва халқаро ташкилотлар тажрибалари, БМТ (ФАО), ЖСТ, ЖЎКҲК, ЕЎДЎКҲТ ва МЎКҲТ (РОКЗР) ҳамда халқаро талабларини ўрганиш асосида халқаро фитосанитар меъёрлар ва стандартлар асосида ўсимликлар карантин хизматини ривожлантириш бўйича хорижий тажрибалар ва инновацияларни тадбиқ этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ўсимликлар карантини хизматини мутахассислар билан таъминлаш, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш тизимини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазилиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва унинг тизим ташкилотлари, ўсимик ва мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт-импорти билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари танлаб олинган.

Тадқиқот предметини ўсимлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш, экспорт-импорт қилишда карантин хизматини такомиллаштириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотлар жараёнида тизимли ёндашув, иқтисодий таҳлил, қиёсий таққослаш, монографик кузатиш, анкета сўрови, прогнозлаш каби усуллардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўсимликлар карантини хизматини ташкил этишнинг назарий асослари, ўрни, аҳамияти ва ўзига хос хусусиятлари очиб берилган;

карантиндаги зарарли ҳашаротларга қарши кураш усуллари самарадорлиги йўналишари ва кутиладиган ҳосилалар таклиф қилингани ҳолда уларга қарши кураш усулларининг биологик самарадорлиги, хўжалик самарадорлиги ҳамда таклиф қилинган услубий тавсияларга таянган ҳолда қарши курашнинг иқтисодий самарадорлиги ва шунингдек экологик самарадорлигига баҳо бериш юзасидан услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш манбаларини янгидан долзарблашган қўшимча хизматлар турларини жорий қилиш ҳисобига диверсификация қилиш бўйича таклифлар, фитосанитар сертификати ва ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рухсатномасини олиш ҳамда транспорт бирлигини очиш далолатномасини, карантин кўриги далолатномасини расмийлаштириш учун амалга ошириладиган инфляция даражасига мос равишда ўзгарувчи тўловлар миқдорлари ишлаб чиқилган;

халқаро савдо муносабатлари кенгайиши шароитида миллий ҳукукий базани халқаро стандартларга мослаш, ўсимликлар карантини тизимида рақамлаштириш ва ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда “Risk-based approach” (хавфга асосланган ёндашув) технологияларини қўллашни назарда tutувчи ўсимликлар карантини давлат хизмати фаолиятини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тавсия қилинган ва унинг амалга ошириш иқтисодий механизми элементлари ишлаб чиқилган;

мева-сабзавот экинларининг карантин организмлари билан зарарланиши ва уларга қарши кураш кўлами ўзгаришининг 2024-2030 йиллар учун мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

мева-сабзавотчилик маҳсулотларини экспорт ва импорт қилишнинг амалдаги ҳолати таҳлил қилиниб, муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

мева-сабзавотчиликда экспортбоп ўсимлик маҳсулотлари етиштириш ва хорижий мамлакатлардан уруғлик ва экиш материалларини республика ҳудудига олиб киришда Ўсимликлар карантини давлат хизмати назоратини ташкил қилиш тизими оптималлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

мева-сабзавотчилик маҳсулотларини экспорт ва импорт қилишда Ўсимликлар карантини давлат хизмати йўналишида 42 та норматив-ҳукукий ҳужжатлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўсимликлар карантини бўйича хорижий тажрибалар ҳамда халқаро ташкилотлар норматив ҳужжатларини ўрганиш ва танқидий таҳлил қилиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, маҳсулот етиштириш ва рақобатбардошлигини ошириш, экспорт бозорларини танлаш ва кенгайтириш борасидаги фикр мулоҳазалари, илмий қарашлари ва ишланмаларни қиёслаш асосида танқидий ўрганилганлиги, тадқиқот жараёнида методологик ёндашув ва усулларнинг мақсадли қўлланилганлиги, ахборотларнинг расмий манбалардан олинганлиги ҳамда таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтганлиги билан изоҳланади. Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган норматив, ҳукукий ҳужжатлар ва уларнинг ҳозирги кунда Ўсимликлар карантини давлат хизмати фаолиятига жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти Ўсимликлар карантини давлат хизматини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва ўсимликлар зараркундалари, касалликларига ва бегона ўтларига қарши кураш бўйича ҳудудий инспекциялар ишини ривожлантиришга хизмат қилади.

Амалий жиҳатдан эса Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси идоралари ва ташкилотлари томонидан мева-сабзавотчилик маҳсулотларини етиштириш ва уни экспорт ва импорт қилишнинг мақсадли концепция, дастур ва махсус тадбирларни ишлаб чиқишда кенг миқёсда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, илмий-амалий жиҳатдан асосланган таклиф ва тавсиялардан олий ва ўрта махсус таълим муассасалари талабалари учун тормоқаларга оид

“Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти”, “Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти ва менежменти”, “Агрологистика” каби фанлардан ўқув дастурлари ва ўқув, ўқув-услубий ишларни тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш, экспорт қилишда карантин хизматини такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиби ва тамойилларини такомиллаштириш бўйича янги онлайн механизми Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан амалиётга жорий этилди. Бунда рухсат бериш тартибидаги ҳужжатларни расмийлаштириш вақти 30 кундан 1 кунгача қисқарди, тадбиркорлар вақти тежалади, чегара масканларида юк ўтказиш жараёнлари икки барабар тезлашган. (Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2026 йил 27 февраль 06/26-4-05/1350-сон маълумотномаси)

“Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармаси”ни ташкил этиш ҳамда унинг молиявий манбаалари бўйича таклифлари Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан амалиётга жорий этилди. (Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2026 йил 27 февраль 06/26-4-05/1350-сон маълумотномаси)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг Фитосанитар ҳолатини тубдан яхшилаш ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан Ўсимликлар карантини (давлат органи) тизимининг ташкилий-бошқарув механизми Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан амалиётга жорий этилди. (Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2026 йил 27 февраль 06/26-4-05/1350-сон маълумотномаси)

Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг Фитосанитар ҳолатини тубдан яхшилаш ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан Ўсимликлар карантини (давлат органи) тизимининг ташкилий-бошқарув механизми Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан амалиётга жорий этилди. (Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2026 йил 27 февраль 06/26-4-05/1350-сон маълумотномаси)

ўсимликлар карантини соҳасидаги хизматлар учун тўловлар ва уларнинг табақалаштирилган миқдорини белгилаш бўйича таклифлар Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан амалиётга жорий этилди. (Ўзбекистон республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2026 йил 27 февраль 06/26-4-05/1350-сон маълумотномаси)

Карантин хизмати мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт-импорти билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш бўйича таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси томонидан амалиётга жорий этилди. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитасининг 2025 йил 7 майдаги 04/1-09-133- сонли маълумотномаси.)

Бунда халқаро меъёрлар асосида Президентимиз томонидан ўсимликлар карантини вазифалари белгиланди. Агроном инспекторлар ҳуқуқ, мажбурият ва ваколатлари кенгайтирилди. 2018 йилдан соҳага оид 2 та Президент фармони ва

3 та қарори, 3 та Вазирлар Маҳкамаси қарори, шунингдек, 14 та низом ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиб ишлаб чиқаришга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация мавзусида жами 14 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестацияси комиссияси докторлик диссертацияларининг илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та республика, 3 та хорижий илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот натижалари жами 14 та илмий мақола ва тезислар кўринишида эълон қилиниб, шундан жами 11 та мақола илмий ва маҳаллий, 3 та мақола хорижий, халқаро ва республика илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, таркибига 27 та жадвал, 8 та чизма, 4 та диаграмма 7 та расмни ўз ичига олган ҳолда 145 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предмети шакллантирилган, республика фан ва технологиялар ривожланиши устивор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалий ва назарий жиҳатлари очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертация ишининг “**Ўсимликлар карантини давлат хизматини ривожлантиришнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи бобда карантин хизматини ташкил этишнинг объектив зарурияти, ўзига хос жиҳатлари, карантин хизматига таъсир этувчи омиллар таъсирини тадқиқ этиш асосида “карантин хизмати” атамасига таъриф берилган ҳамда халқаро муносабатлар ва савдо иқтисодий алоқалар ривожланишида Ўсимликлар ҳимояси ва карантини халқаро конвенцияси ташкил этилишининг норматив-ҳуқуқий асослари ёритилган.

Маълумки, халқаро савдо алоқалар кенгайиши, савдо-сотиқ ривожланиши импортер мамлакатнинг қишлоқ хўжалиги иқтисодига ва экологиясига жиддий зарар етказиши мумкин бўлган карантиндаги зарарли организмларнинг кириб келиши ва тарқалиши хавфини кучайтиради, унинг олдини олиш, фитосанитар хавфсизликни таъминлаш эса миллий ўсимликлар карантини ташкилотининг вазифасига киради.

Шу боис, кейинги йилларда кузатилаётган ўсимликлар карантини хизматининг маъмурий бошқарув тизимидаги назарий ва амалий ўзгаришларга бўлган концептуал муносабатлар муҳим бўлиб, Ўзбекистонда ўсимликлар карантини хизмати ривожланишининг асосий векторига айланмоқда.

“Карантин” – атамасининг этимологик маъноси италянча “қирқ кун” деган маънони беради. Ўша пайтларда шарқий мамлакатлардан келган италян

кемалари портларида “қора вабо”дан сақланиш учун Италияда 1374 йилда жорий этилган. Бу тартиб кўпгина мамлакатларда шаҳар ва қишлоқларда касалликларни олдини олиш учун жорий қилинган. Илк бор ўсимликлар карантин тадбирлари Францияда киритилган.

Кенг маънода ўсимликлар карантин хизмати бу – мамлакат ҳудудининг фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш, халқаро савдо иқтисодий муносабатларда давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, маҳсулот етиштирувчилар ва ташиқ иқтисодий фаолият субъектлари томонидан халқаро фитосанитар стандартлар, меъёрлар ва талабларнинг бажарилишини назорат қилиш, шунингдек, уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ривожлантиришда давлат ва бизнес эҳтиёжларини қондиришга қаратилган давлат органининг фаолиятидир.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо жараёнида ҳар бир давлат халқаро келишувлар ва савдо шартномаларини ўз иқтисодий ҳолати, табиий ресурслари, экологияси ва карантин организмлари биологиясини ҳисобга олиб фитосанитар хавф таҳлиллари асосида карантин тадбирларини амалга оширади.

Халқаро экспертлар ҳисоб-китобига кўра, қишлоқ хўжалиги экинларига нематодаларнинг йиллик зарари бутун дунё миқёсида 100 миллиард доллардан ошган. Олтинранг ва нимранг нематодалар асосан картошка, шунингдек, помидор ва бақлажонга ҳам зарар келтиради. Уларга қарши самарали усул йўқ. Нематода тарқалган ерда 30 йил картошка ва полиз экинлари етиштирилмайди.

Таҳлилларга кўра, Испания, Италия, Греция каби 95% зайтун етиштирувчи давлатларда фастидаза бактерияси туфайли қуриши эҳтимоли бор. Бунда Испания 17 млрд, Италия 5 млрд ва Греция 2 млрд евро зарар кўриши ва 300 минг иш ўрни қисқариши мумкин. Биргина Италия жанубида 11 млн дарахтни кесиб ва ёқиб юборилган. Уларни аксари 200-500 йиллик дарахтлар. Ушбу бактерия зайтун дарахтидан бошқа яна 600 турдаги ўсимликка зарар келтиради.

XX-аср етмишинчи йилларига келиб 100 дан ортиқ давлатларида карантин қоидалари ўрнатилди ва назорат қилувчи институтлар ташкил қилинди.

Халқаро ўсимликлар карантини ва ҳимояси конвенцияси (МККЗР), Фитосанитар меъёрлар бўйича халқаро стандартлар ва ЖСТ санитария ва фитосанитария чоралари тўғрисида келишув битими, қоидалари муаммолар ечимини топиш учун асос бўлади. Етарли билим ва тажрибаларга асосланган ҳолда ечимини топиш-халқаро савдо-иқтисодий алоқаларга асоссиз тўсиқлар қўйишни, карантин организмлар кириб, мамлакат иқтисодига жиддий зарар етказиши олдини олади, фитосанитар хавфсизлиги таъминлайди.

Ўсимликлар карантини соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, карантин организмлар кириб келишининг олдини олиш ва ўчоқ майдонларни ўз вақтида йўқотиш, маҳсулот ишлаб чиқиш сотиш, қайта ишлаш ва сақлашда карантин қоидаларга риоя этиш, илмий салоҳиятни ва халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда соҳага илғор технологияларни жорий қилишдан иборат.

Умуман олганда ўсимликлар карантининг мақсади –ўсимликлар дунёси ва биохилмаҳилликни асраш, биологик хавфсизликни таъминлаш, жиддий иқтисодий зарар етказишнинг олдини олишга қаратилган. Соҳада давлат сиёсатининг йўналишлари қуйидагиларда ўз аксини топади. 1-расм.



1-расм. Ўсимликлар карантин соҳсида давлат сиёсатининг йўналишлари⁵

Карантин давлат хизмати фаолиятини баҳолаш икки йўналишда олиб борилади.

1. Мамлакат миллий ўсимликлар карантини давлат хизмати томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, сотиш экспорт импорт жараёнида ўрганиладиган масалаларга қуйидагилар киради.

№	Мева-сабзавот маҳсулотлари импортида карантин назорати	№	Мева-сабзавот маҳсулотлари экспортида карантин назорати
1	Маҳсулот олиб келинадиган давлат карантин ҳолатини ўрганиш.	1	Чет давлатлар маҳсулот тури бўйича ва карантин талабларини ўрганиш, экспортга рухсат олиш.
2	Олиб кириладиган маҳсулот бўйича фитосанитар таҳлилининг ўтказиш	2	Экиш материалларини фитосанитар карантин кўрикдан ўтказиш.
3	Карантин рухсатнома бериш учун тўловни амалга ошириш.	3	Фитосанитар дала назорати ўтказиш (мавсум давомида)
4	Карантин рухсатнома расмийлаштириб бериш	4	Феромон билан ҳашарот тури бўйича таъминлаш
5	Ўсимликлар карантини чегара масканларида назоратдан ўтказиш	5	Рўйхатдаги карантин объектларидан ва маҳсулот фитосанитар тозалигини таъминлаш
6	Лаборатория текширувлари учун маҳсулотлардан намуналар олиш	6	Логистика марказларида экспортга юклашда карантин назорати.
7	Лаборатория текширувлари учун тўловни амалга ошириш	7	Лаборатория текширувлари учун маҳсулотдан намуналар олиш
8	Зарарсизлантириш(лозим бўлган тақдирда) ишларини амалга ошириш	8	Лаборатория текширувлари учун тўловни амалга ошириш
9	Зарарсизлантириш ишларини учун тўловни амалга ошириш	9	Зарарсизлантириш ва хизмат учун тўловни амалга ошириш
10	Траспорт бирлигини очиш далолатномасини бериш учун тўлов.	10	Фитосанитар сертификатни расмийлаштириш учун тўлов
11	Траспорт бирлигини очиш далолатномасини расмийлаштириш	11	Халқаро андозадаги фитосанитар сертификатни расмийлаштириб бериш

3-расм. Карантин хизмати фаолиятини баҳолаш мезонлари⁶

⁵Манба: Муаллиф томонидан тузиб чиқилган.

2. Карантини миллий ташкилоти фаолиятини баҳолашнинг халқаро мезонлари-халқаро фитосанитар талаблар ва стандартлар тизимга жорий қилинганлиги, инвазив зарарли организмларни назорат қилиш ва фитосанитар хавф таҳлиллари даражаси, фитосанитар назоратдан ўтказиш ва сертификатлаш тизими, замонавий технологиялар ва инновациялар жорий қилиниши, хорижий экспортёр ва импортёр давлатлар билан халқаро алоқалари ва тизимда таълим ва тарғибот ишлари даражаси.



4-расм. Ўсимликлар карантини миллий ташкилоти фаолиятини баҳолашда халқаро мезонлари⁷

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 август “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекциясини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПФ-5174 сонли фармони ва “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3249-сонли қарорига асосан Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қайта ташкил этилиб, инспекция фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари белгилаб берилди. Ушбу фармон ва қарорлар Ўзбекистонда карантин хизматини тубдан ислох қилишга асос бўлди.

Шунингдек, ўсимликлар карантини соҳасида жаҳон тажрибалари, улардан фойдаланиш имкониятлари, МДХ ва Марказий Осиё давлатлари учун мақбул тажрибалар келтирилган. Карантин хизматини ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар, карантин хизмати классификатори ва хусусиятлари таснифланган.

Карантин ва хавфли организмларга қарши кураш усули биологик ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали бўлиб, сарф-харажатлари, тадбирлар натижасида эришилган натижалар ҳисобидан қопланиши лозим. Шу боис тежамкорлик, экологик ва иқтисодий самарадорлиги масаласининг аҳамияти муҳим. Изланишлар натижасида карантин ва бошқа хавфли организмларни йўқ қилиш усуллари самарадорлиги йўналишлари ва ҳосилалар келтирилган. Иқтисодий самарадорлик, ҳосилдорлик ортиши ва маҳсулот сифати пасайишининг олди олиниб, оладиган қўшимча фойда асосида ҳисоблаш, экологик самарадорлигига баҳо бериш таклиф қилинган ва аниқлаш усули тақдим этилган.

⁶Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

⁷Манба: Муаллиф тадқиқотлари асосида тузилган.

экологик самарадорлигига баҳо беришда қуйидаги формуладан фойдаланиш тавсия қилинади ($\mathcal{E}K_{\text{сам}}$):

$$\mathcal{E}K_{\text{сам}} = \frac{ЗКВ_{\text{сарф}}}{ЖХТ_{\text{сарф}}} \quad (1.8)$$

Бу ерда, $ЗКВ_{\text{сарф}}$ – хўжаликда зарарли ҳашоратларга қарши курашга сарфланган кимёвий воситалардан фойдаланиш харажатлари, (сўм);

$ЖХТ_{\text{сарф}}$ – хўжалик бўйича зарарли ҳашоратларга қарши кураш тадбирлари давомида жами сарфланган харажатлар йиғиндиси, (сўм).

“Ўсимликлар карантини давлат хизматининг амалдаги ҳолати ва унинг таҳлили” деб номланган иккинчи бобида мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт ва импорт қилиш жараёнида ўсимликлар карантини давлат хизматининг амалдаги ҳолати таҳлили бўйича маълумотлар келтирилди.

2017 йилгача бўлган даврда маҳсулотлар карантин кўригидан ўтказишда жуда кўп тўсиқлар бор эди. Божхона операциялари мураккаблиги, ва карантин хизмати ўртасида маълумот алмашинуви, дастурий воситалар талабга жавоб бермаслиги божхона хизматларини кўрсатиш сифатига салбий таъсир қилган.

2018 йилдан бошлаб юкларни карантин кўригидан ўтказиш божхона инспекторлари билан бирга ўтказилади. Божхона орқали олиб ўтиладиган товарлар тўғрисидаги маълумотларни электрон дастурий маҳсулотларига қўшимча равишда киритиш имкони яратилди. Фитосанитар сертификат расмийлаштириш ҳудудий бошқармалар дала назоратини олиб борган агроном инспекторлари томонидан амалга оширилиб, юк истемолчига етиб боргунга қадар жараёнда фитосанитар ҳолатига агроном инспектор жавоб бериши белгиланди. Амалга оширилган ишлар ўсимликлар карантини чегара масканларидан тез бузиладиган мева-сабзавот маҳсулотларини қисқа муддатларда ўтказиш, вақт ва маҳсулот йўқотишларининг олдини олишга ҳамда чегарадан ўтказиладиган маҳсулот ҳажми ортишига хизмат қилади.



6-расм. Ўсимликлар карантини хизмати томонидан тадбиркорларга фитосанитар сертификати бериш тартиби босқичлари⁸

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3249-сонли қарори асосида.

Фитосанитар сертификат расмийлаштириш онлайн тартиби 2018 йил 29 январдаги Вазирлар Маҳкамаси 65-сон қарори билан тасдиқланган⁹. (Ўсимликлар карантини инспекцияси 3-30/1038-сонли маълумотномаси)

Республика ҳудуди Фитосанитар ҳолатини тубдан яхшилаш ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан Ўсимликлар карантини тизимининг ташкилий-бошқарув механизми такомиллаштирилган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси давлат органи сифатида қайта ташкил этилди.

Мамлакатимизда мева-сабзавотчиликда рақобатбардош экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини ошириш ва экспортга йўналтириш бўйича олиб борилган сиёсат натижасида 2017 йил 30 августдаги ПФ-5174-сонли фармони ва ПҚ-3249-сонли қарори Ўсимликлар карантини ва фитосанитар ҳолатини таъминлаш юзасидан олиб борилган ишларни такомиллаштириш ва Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ислоҳ қилишга асос бўлди, такомиллашган фитосанитар назорат тизими яратилди. Хусусан, Ўсимликлар карантини давлат хизмати фаолиятида дала назорати муҳимлиги боисдан, “Ўсимликлар карантини тўғрисида” ги қонунга “Фитосанитар дала назорати ва уни ташкил этиш” моддаси киритилди¹⁰.

1-жадвал

Дала назорати (га) 2017-2023 йй Вилоятлар кесимида, (га)¹¹

Вилоятлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
Қорақалпоғистон Республикаси	251420	268791	274528	289014	301258	426328	496520
Андижон	289413	301613	303254	311258	314140	194756	194756
Бухоро	278125	291365	297215	306248	316871	246124	286419
Жиззах	213657	232541	236501	241571	267945	365278	485677
Қашқадарё	301254	305415	309478	318425	348997	433218	513919
Навоий	189741	194251	198745	212458	227112	168123	188035
Наманган	231401	241025	278140	289701	387456	192675	202170
Самарқанд	302450	309874	315204	324899	348254	364128	378323
Сирдарё	178415	184021	189245	194253	232548	236726	245896
Сурхондарё	278914	297815	301254	307189	338715	282582	342484
Фарғона	245314	265481	269451	278141	314891	236468	256475
Хоразм	176102	181478	188012	196482	235914	248014	268140
Тошкент вилояти	312547	318974	322749	336215	372578	349935	359845
Тошкент шаҳри	98145	106279	109805	112358	127482	7 464	7 464
жами	3346898	3498923	3593581	3718212	4134161	3751819	4226423

“Дала назорати” Ўсимликлар карантини инспекцияси ички карантин тизими вазифаси бўлиб уни асосан туман ва шаҳар агроном инспекторлари олиб боради. 2017 йилда 3, 346 млн га, 2023 йилда бу қарийб 4.2 млн га.ни ташкил этган.

Ушбу жадвалда карантин зарарли организмлар тарқалган майдонлар, улар

⁹ Вазирлар Маҳкамаси 65-сон қарори 1-илоvasи “Низом”га 2-иловага 37-банди, 1-илоvasи, 3-илоvasи 37-бандига 1-илоvasи муаллиф таклифига асосан киритилган.

¹⁰ ЎРҚ-484- “Ўсимликлар карантини тўғрисида”ги қонун 9-моддаси муаллиф таклифига асосан киритилган.

¹¹ Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси маълумотлари асосида.

га қарши кураш чоралари белгиланган ва бажарилиши устидан назорат олиб борилган. Бу маҳсулотлар фитосанитар тозалигини таъминлаш ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтиришга хизмат қилади.

Зарарли организмлар тарқалишини назорат қилиш усулларида яна бири бу феромониторингдир.

2-жадвал

Республикада тарқалган ёки қисман тарқалган карантиндаги ва хавфли зарарли организмлар билан зарарланган майдонлар таҳлили¹² (га)


Номи	Майдони. га	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й
Зарарли ҳашаротлар								
Цитрус окканоти	Иссиқхона назорати	384,2	516.5	524	536	510	840.6	932
	Кимиёвий ишлов	16,5	31.56	25	40	23	74.6	82.9
	Агротехник ишлов	15,4	35.5	73	77	66	86.7	91.3
Комсток курти	Боғлар назорати	9352	12636	13586	13741	14015	14254	14662
	Кимиёвий ишлов	2549,3	2953	3003	3114	3698	3987.8	4168.7
	Агротехник ишлов	2364,8	3447	3647	3741	3978	4005.5	4201
Калифорн. қалқондор	Боғлар назорати	11535	16154	16278	16536	16798	17120.	17483.
	Кимиёвий ишлов	967	1222	1458	1679	1897	2013.5	2131.4
	Агротехник ишлов	537	741	925	1012	1245	1547	1623
Картошка куяси	Назорат қилинган	6133	9215	10542	10873	11425	11758	12005.
	Кимиёвий ишлов	1896	3289	3458	3691	4013	4425.2	4976
	Агротехник ишлов	-	-					
Колорадо кўнғизи	Назорат қилинган	6133	9215	10542	10873	11425	11758	11987
	Кимиёвий ишлов	1896	3289	3458	3691	4013	4425.2	4976
	Агротехник ишлов	-	-					
Шарқ мевахўри	Боғлар назорати	11456	17089	17157	17369	17687	17980	18174
	Кимиёвий ишлов	946,5	1453	1501	1598	1648	1701.1	1798.2
	Агротехник ишлов	-	-					
Помидор куяси	Иссиқхона назорати	3644	5 200	5401	5563	5698	5987	6189.2
	Кимиёвий ишлов	680	1078	1104	1236	1354	1401	1456
	Агротехник ишлов	-	-					
Қовун пашшаси	Назорат қилинган	744	1 093	1125	1245	1362	1453	1618
	Кимиёвий усул	21	25	25	31	32	43	74
Бегона ўтлар								
Судралувчи какра	Назорат қилинган	5386	7413	7981	8125	8756	9541	9786
	Агротехник усул	1224	1452	1654	1781	1958	2135	2401
Зарпечак ва печак	Назорат қилинган	8466	12925	13524	13985	14253	14567	15063
	Агротехник усул	2245	2631	2874	3125	3321	3702	3890

Шу асосда кузатув ишлари олиб борилади ва зарарланган майдонлар, зарарли организмлар турлари бўйича ҳудудларнинг электрон хариталари тузилади ва тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилади.

Феромон ҳашаротлар пайдо бўлиши, унинг ривожланиш фазаларини кузатиш ва қарши курашни илмий асосда ташкил қилиш имконини яратади. Бу эса қўллайдиган пестицидлар такрорийлигини камида бир марта камайтиради, иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка ҳамда пестицидларни инсонлар ва атроф муҳитга таъсирини ҳам камайтиришга имкон беради.

¹²Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси маълумотларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

2018-2023 йилда тадбиркорларга ўсимликлар карантини ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан сотиб олиниб, бепул феромонлар тарқатилган.




7-расм. Республика бўйича Феромониторинг учун тарқатилган феромон тутқичлар¹³

Феромон ҳашаротлар пайдо бўлиши, унинг ривожланиш фазаларини кузатиш ва қарши курашни илмий асосда ташкил қилиш имконини яратади. Бу эса қўллайдиган пестицидлар такрорийлигини камида бир марта камайтиради, иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка ҳамда пестицидларни инсонлар ва атроф муҳитга таъсирини ҳам камайтиришга имкон беради.

Феромониторинг бўйича Агроном инспекторларга семинар ўқишлар ташкил этилиши ва тажрибалари ортиб бориши билан, феромонлар сони ва зарарли ҳашаротлар учун турлари ҳам кўпайиб назорат қилинган майдонлар ҳажми ҳам ортиб борган.

Таҳлиллар кўрсатишича, 2017-2023 йилларда республикадан экспорт қилинган мева-сабзавот маҳсулотлари назорати ҳажми ортган. 2018 йилда мева



8-расм. Республика бўйича экспортга йўналтирилган мева-сабзавот маҳсулотлари назорати ҳажми¹⁴

ва сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш ҳажми 2017 йилга нисбатан 36 фоизга (1,23 млн. тоннага), маблағ ҳисобидан 37,5% га (874,5 млн АҚШ доллари) ортган.

¹³ Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси маълумотларига асосан.

¹⁴ Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси маълумотларига асосан ишлаб тузилган.

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2018 йилда сабзавотлар экспорти ўсган. Демак 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 1.23 млн тонна, (қиймати 165.7 млн доллар) кўп маҳсулот карантин назоратидан ўтказилган.

Статистик маълумотларга кўра 2023 йилда 1 749 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотлари 1 200 млрд АҚШ \$ қийматида экспорт қилинган, асосий экспорти- Россия (37%), Покистон (16,7%), Хитой (12,3%) ҳамда Қозоғистон (10,3%) ҳиссасига тўғри келган.

Мамлакатимизга маҳсулот импорт қилишда 2018 йил бошидан “Ўздавқарантин” инспекцияси карантин лабораториялари мутахассислари томонидан мамлакатга олиб кириш ва олиб чиқиш жараёнида қўрилган карантин тадбирлари тўғрисидаги маълумот 4-жадвалда акс этган.

4-жадвал

Республикада кўчат ва уруғликлар олиб кириш ва олиб чиқиш ҳамда амалга оширилган лаборатория таҳлиллари¹⁵

Кўрсаткичлар	2017 й	2018 й	2019 й	2020 й	2021 й	2022 й	2023 й
Импорт қилинган кўчат, (м.дона);	9234	12582	16161	19302	22594	17191	18796
Экспорт қилинган кўчат, (м.дона);	12380	20232	18323	11546	12205	16516	17623
Республикага киритилмаган ёки йўқ қилинган кўчат, (м. дона)	144.0	60,0	10250,0	92,3	941,2	217,3	63,5
Импорт қилинган уруғликлар, (м.тонна)	384,5	60,2	1852,6	2718,6	3528,1	1681,4	2135.5
Республикага киритилмаган ёки йўқ қилинган уруғлар, (тонна)	56	100 000	63	1 376	5 800	1 344	41,5
Олинган намуна, (дона):	78458	198 468	234 348	268283	317063	385 844	373 000
-энтомологик	49638	46 363	59 843	70 133	85 869	101 605	103 395
-фитопатологик	-	44 754	54 538	67 752	83 313	98 873	96 023
-гербологик	28820	40 054	43 631	51 841	72 803	93 765	84 958
-бактерологик	-	37 783	44 378	45 635	52 048	58 462	51 635
-гельминтологи	-	29 514	32 458	34 618	33 879	33 139	36 989
Имп. Маҳсулотдан олинган(дона)	38762	126345	74689	138083	195000	211000	220000
-зарарланган намуна сони	214	290	498	275	754	654	1 470
Экспертизада аниқланган:	12	22	41	16	37	14	21
-ҳашарот	7	17	21	9	16	8	16
-бегона ўт	5	4	16	3	15	4	3
-касаллик	-	1	5	4	6	2	2

Импорт маҳсулотларида 2023 йилда 220 000 та экспертиза ўтказилиб, 1 470 та ҳолатда 21 турдаги карантин объектлари аниқланди. 63 500 дона зарарланган кўчатлар, 41.5 тонна карантин организмлар билан зарарлангани уруғлик маҳсулотлар экспортёр давлатларга қайтарилган ҳамда йўқ қилинган.

Республикада 2017 йилгача битта марказий карантин лаборатория ишлаган бўлса, эндиликда ҳар бир вилоятда лабораториялар фаолияти йўлга қўйилиб, замонавий ускуналар билан жиҳозланган. ISUZU автобуси базасида 15 та мобил - лаборатория ташкил этиб вақт ва маблағ сарфи тежалмоқда.

Иқтисодий ислохотлар натижасида молиявий ва иқтисодий таъминоти яхшиланиб, тизимда ишлар йўлга қўйилганлиги боис 2017 йилга нисбатан хизмат кўрсатишдан тушган маблағлар 14 мартагача ортган. 2017 йилда тушган даромади 10, 72 млрд сўмни бўлган бўлса, 2023 йилда 149,4 млрд. сўмни ташкил қилган .

¹⁵ Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси маълумотларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.


**2017-2023 йилларда Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан
кўрсатилган хизматлар қиймати, (млн сўм)¹⁶**

Кўрсатилган хизмат тури	2017 йил		2019 йил		2021 йил		2022 йил		2023 йил	
	сони	қиймати	сони	қиймати	сони	қиймати	сони	қиймати	сони	қиймати
Карантин рухсатномаси	13458	567,2	13457	2480,3	23495	5873,7	25005	7 501,5	34000	11220,0
Фитосанитар сертификат	82394	3119,8	94362	9391,1	133529	16691,1	128749	36307,2	149000	22350,0
Ички фитосанитар сертификат		*	58562	717,3	62237	3644,7	62 265	4669,9	100000	8300,0
Транзит юк транспорти учун кўрик далолатнома		*	43060	405,8	4207	181,2	*	*	*	*
Транспортни очиш далолатномаси	62078	3542,7	68568	13900,8	128976	32244,0	121977	34423,5	126149	41629,2
Фумигация ва лаборатория хизмати		3491,4	**	43816,7	**	51241,6	**	60330,1	**	65975,0
жами		10721,2		70712,1		109876,4		143232,6		149474,2

Изоҳ. *- ушбу йилларда бу хизмат тури мавжуд бўлмаган; **- декларация асосида ташкил қилинади.

2017 йилдан 2023 йилгача Ўсимликлар карантинини ривожлантириш жамғармасига келиб тушган маблағлар миқдори муттасил ортган.

Шунингдек, ялпи харажат, ялпи тушум ва олинадиган даромадлар йилма йил ҳисоблаб чиқилган. Қуйидаги 2017 йилда хизмат кўрсатиш жами харажатлари 9 334.7 млн сўм, ялпи тушум эса 10 721 млн. сўм, олинган даромадлар 1 386.5 млн сўм бўлган, 2023 йилда ялпи харажатлар 87 036 млн сўм, ялпи тушум 149 474 млн сўм ва олинган даромад 62 438 млн сўмни ташкил этган.



10-расм. Хизмат кўрсатишдан олинган даромадлари

Халқаро қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосида зарарли организмлар, касалликлар ва бегона ўтларнинг мамлакат ҳудудига миллий чегараларни кесиб кириб келиши миллий иқтисодиёт учун хавф сифатида талқин қилинади.

Зарарли организмлар вақт ўтиши билан тарқалиш кўлами кенгайиб, иқтисодий зарар ва экологияга келтирадиган иқтисодий зарари жуда катта бўлади.

Шу боисдан ЖСТ га аъзо бўлиш учун Ўзбекистонда мавжуд фитосанитар талабларни ЖСТ халқаро фитосанитар талабларига мувофиқлаштириш ва ЖСТ

¹⁶ Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси ва статистик маълумотларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

ташкilotи томонидан жорий этилган “Санитария ва фитосанитария чоратадбирларига амал қилиш бўйича битим” га риоя қилиш кўзда тутилади. Бунда фитосанитар талабларга “техник асослар” мавжуд бўлиши лозим. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилиш жараёнида ўсимликлар карантини бўйича техник асосланмаган ҳар қандай талаб “ассосиз талаблар” сифатида қабул қилинади

Шу нуқтаи назардан, Россия Федерациясининг ўсимликлар карантини федерал хизмати фаолияти Ўзбекистон учун алоҳида аҳамият касб этади.

ЕИ давлатларида ўсимликлар карантини қонунчилиги юқори даражада рақамлаштирилган ва илмий асосланган. Зарарли организмларга ҳавлилик даражаси бўйича таҳлил жараёнида (PRA - Pest Risk Analysis) тизими қўлланиб баҳоланади. ЕИ давлатларида карантин хизмати қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг хавфсизлигини таъминлаш, зараркунандаларни назорат қилиш ва халқаро савдони соддалаштиришга йўналтирилган.

ЕИ давлатлари ўртасида ягона қоидалар жорий қилинганлиги - Ўзбекистон учун карантин тизимида ЕИ давлатлари тажрибасини ўзлаштириш 27 та ЕИ мамлакат бозорига бир хил қоидалар асосида маҳсулот экспорт қилиш имконини яратади, бу эса экспортни соддалаштиради. 11-расм.

т/р	ЕИ ўсимликлар карантини тизими муҳим жиҳатлари	т/р	Хорижий тажрибаларнинг Ўзбекистон учун муҳим жиҳатлари
1.	Қатъий фитосанитария талаблари (Plant Health Regulation)	1.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ЕИ бозорига экспорт қилишда халқаро стандартларга мослашиш имконини беради
2.	Зарарли организмлар ягона рўйхати ва мониторинг тизими	2.	Ўсимликларнинг карантин ва хавфли организмларининг кириб келиш хавфини камайтиради
3.	TRACES электрон сертификатлаш тизими	3.	Экспорт жараёнларини рақамлаштириш ва ҳужжат айланиши ва шаффофлигини таъминлайди
4.	Илмий асосланган хавф таҳлили (Pest Risk Analysis)	4.	Янги бозорларга чиқишда маҳсулот хавфсизлигини исботлашни енгиллаштиради
5.	Чегара назорати ва инспекция тизими	5.	Импорт ва экспортда маҳсулот сифатини кафолатлашга ёрдам беради
6.	Аккредитация ва лаборатория стандартлари	6.	Миллий лабораторияларни халқаро талабларга мувофиқлаштиришга туртки бўлади
7.	ЕИ давлатлари ўртасида ягона қоидалар	7.	Ўзбекистон учун 27 давлат бозорига бир хил талаблар асосида чиқиш имконини беради
8.	Барқарор қишлоқ хўжалиги ва “яшил келишув” сиёсати	8.	Экологик тоза маҳсулот етиштириш ва органик экспорт салоҳиятини оширади
9.	Фитосанитария бўйича техник ёрдам дастурлари		Мутахассислар малакасини ва институционал салоҳиятни ошириш имконини беради
10.	Муттасил мониторинг ва эрта огоҳлантириш тизими	10.	Зарарли организмларни эрта аниқлаш ва йўқотиш чорасини кўриш имконини оширади.

11-расм. ЕИ давлатлари карантин хизмати тажрибасининг Ўзбекистон учун муҳим жиҳатлари¹⁷

Марказий Осиё ва Ўзбекистон учун Анд давлатлари кенгаши интеграцияси тажрибалари аҳамияти каттадир.

“Эко” ва “Органик” маҳсулотларга талабнинг ошиши, савдо-иқтисодий муносабатлар ўз навбатида мураккаб интеллектуал, техник-технологик меҳнат

¹⁷ Адабиётлар таҳлилари асосида муалиф томонидан тузилган.

улушининг ўсиши, божхона органлари билан ҳамкорликни кучайтириш, чегарадан ўтиш тартиб-таомилларини такомиллаштириш ва савдо алоқаларини ривожлантиришда кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3249-сонли қарор билан белгиланган вазифалар доирасида¹⁸, Ўсимликлар карантини ҳудудий инспекциялари мутахассис ва ходимларининг малакасини ошириш мақсадида тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилган ҳолда мунтазам ўқув семинарлар фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 28 мартдаги ПҚ-3626-сонли қарорига мувофиқ¹⁹ 2018-2020 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини давлат хизмати ходимлари малакасини ошириш ва уларни ўқитиш бўйича чора-тадбирлар режаси, илмий-таълим муассасаларида ўсимликлар карантини соҳасига агроном инспекторларини тайёрлаш бўйича давлат таълим стандартлари, ўқув режа ва дастурлари ишлаб чиқиб жорий этилди.

Кадрлар малакасини ошириш 2018-2023 йиллар

Халқаро малакасини ошириш 2018-2023 йиллар													
№	Малака ошириш йўналиши	2018 йил		2019 йил		2020 йил		2021 йил		2022 йил		2023 йил	
		сон	Суммаси млн	сон	Суммаси млн	сон	Суммаси млн	сон	Суммаси млн	сон	Суммаси млн	сон	Суммаси млн
Ривожланган хорижий давлатларда													
1	АФР	4	USAID	9	EPPO	38	APQA Корея	18	APQA Хитой	36	IPPC	48	EPPO
2	Дала назорати	6	ФГБУ ВНИИКР	4	EPPO	16	IPPC	39	Хитой Кишлоқ хўжалиқ вазирли	78	ХХР минтақавий ҳамкорлик жамғармаси	94	ФГБУ ВНИИКР
3	Лаборатория	3	EPPO	8	EPPO	-	APQA Корея	46	EPPO	92	USAID	98	IPPC APQA Корея
4	Фумигация	3	EPPO	4	EPPO	-	USAID	40	IPPC	82	EPPO	64	EPPO
5	Халқаро фитосанитар меъёрлар (МСФМ)	4	EPPO	3	USAID	38	IPPC	23	EPPO	44	IPPC	68	APQA Корея
	Жами:	20		28		92		157		332		372	
Ўсимликлар карантини илмий маркази ва Ўсимликлар карантини ва химояси илмий-тадқиқот институтида													
1	АФР	34	55.59	46	61.63	72	108.07	33	64.18	67	216.68	72	238.34
2	Дала назорати	103	168.41	198	265.27	214	321.28	88	171.16	194	627.41	202	684.65
3	Лаборатория	14	22.99	56	75.02	84	126.23	38	73.91	84	271.66	98	298.82
4	Фумигация	44	71.98	65	87.08	115	172.42	41	79.75	95	307.24	104	337.96
	Жами:	195	319.0	365	489.0	485	728.0	200	389.0	440	1 423.0	476	1 559.77
	Ҳаммаси	215	319.0	393	489.0	577	728.0	357	389.0	772	1 423.0	848	1 559.77

Жадвал Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси маълумотларига асосан муаллиф томонидан ишлаб чиқилди.

12- расм. Кадрлар малакасини ошириш 2018-2023 йиллар.

Хорижда ва республикада Ўсимликлар карантини давлат хизмати агроном инспекторлари, илмий марказ илмий ходимлари ва ҳудудий инспекциялар агроном инспекторлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш бўйича 2018-2023 йилларда 2023 йилда 848 та ўқув курслари ташкил этилган.

Шунингдек, кадрлар таминоти бўйича ҳолат таҳлил қилинган. Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича мутахассислар тизимда 776 нафарни, олим агрономлар 659 нафарни, соҳага яқин турдош мутахассисликлар 288 нафарни ва соҳага оид бўлмаган мутахассислар 1228 нафарни ташкил этади. Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича мутахассислар 776 нафар ёки 26.3% ни ташкил этса, турдош мутахассисликлар 947 нафар ёки 32% ни, бошқа соҳага оид

¹⁸ ПҚ-3249-сонли қарорнинг 4-илова, 4-банди ва чора-тадбирлар дастури муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

¹⁹ ПҚ-3626-сон қарорининг 15-банди ва чора-тадбирлар дастури муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мутахассислар 41.6% ташкил этади. Таҳлил натижаларига кўра, тизимда 58 % таъминоти мавжуд ва 43%ни қайта тайёрлаш лозим.

Диссертациянинг “Ўсимликлар карантини давлат хизматини такомиллаштириш йўналишлари” деб номланган учинчи бобида ўсимликлар карантини давлат хизмати ва субъектлари молиявий-иқтисодий таъминотини такомиллаштириш, ходимлар моддий манфаатдорлигини ошириш, ЖСТга аъзо бўлиши, фитосанитар чоралар, халқаро стандартлар, меъёрий-ҳуқуқий асослар ва норматив ҳужжатларни мувофиқлаштириш бўйича таклифлар берилган.


Фитосанитар хавфсизликни таъминлаш мақсадида сохани тубдан ислоҳ қилишга 2017 йил 30 августда қабул қилинган ПФ-5174-сонли фармон ва ПҚ-3249-сонли қарор асос бўлди. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси сифатида, давлат органи сифатида қайта ташкил этилди. Давлат органларининг рўйхати мавжуд, 2018 йилдан бошлаб ВМ қарори асосида ушбу рўйхатга киритилди ва шу асосда 40% қўшимча иш ҳаққи жорий этилган.

а) Зарарсизлантириш ва карантин нормаларни тарғиб қилиш сектори муаллиф таклифига асосан ташкил этилган.

б) Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-3626- сонли қарорига асосан фитосанитар хавфни таҳлил қилиш бошқармаси жорий қилинган ва тизим такомиллаштирилган.

Фитосанитар хавф таҳлили ўсимликлар карантинида зарарли организмлардан ҳимоя қилишда халқаро ва миллий фитосанитар ташкилотлари фаолиятида муҳим механизм бўлиб ҳисобланади.

1-чизма



1-чизма. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси марказий аппаратининг жорий қилинган ташкилий тузилмаси²⁰

ПҚ-3249-сон қарорига кўра **Ўсимликлар карантинини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилинган**. Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари²¹ ҳисобланади:

уруғликлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларини импорт қилиш учун карантин рухсатномаларини расмийлаштиришдан олинадиган тўловлар;

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-3626-сонли қарорига муаллиф таклифи асосида.

²¹ ПҚ-3249 ва ПҚ-3626 қарорларига муаллиф таклифига асосан тегишли бандлар киритилган.

уруғлар, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларини экспорт қилишда фитосанитар сертификатларни расмийлаштиришдан олинadиган тўловлар;

экспорт ва импорт қилинадиган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар намуналарини лаборатория экспертизасидан ўтказишдан олинган тўловлар;

экспорт ва импорт қилинадиган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни зарарсизлантириш бўйича фумигация ишларини ўтказишдан олинadиган тўловлар;


Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги карантиндаги юкларга ички фитосанитар сертификатни расмийлаштириш ва тақдим этишдан олинadиган тўловлар;

ҳар бир транспорт бирлигига (самолёт, вагон, контейнер, автотранспорт, баржа ва бошқа турдаги транспортлар) бериладиган ўсимликлар карантини кўриги ва транспорт бирлигини очиш далолатномаларини тақдим этиш ва уларнинг ҳужжатларини расмийлаштиришдан олинadиган тўловлар;

ўсимликлар карантини соҳасидаги маъмурий ҳуқуқбузарлик учун қонунчиликка мувофиқ ундириладиган жарималар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

Жамғарма кенгаши маблағлардан фойдаланиш бўйича буюртмалар қабул қилади. Ҳар йили Инспекция раҳбари томонидан тасдиқланган харажатлар харажатлар сметалари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида қонунда белгиланган тартибда расмийлаштирилади.



2- чизма. Ўсимликлар карантини тизимини ривожлантириш жамғармасини шакллантириш манбалари ва унинг тақсимои

Фитосанитар сертификат ва карантин рухсатнома бериш, фумигация хизматлари учун туловлар миқдори паст даражада бўлган. Хусусан пахта экспорти учун фитосанитар сертификат бериш катта миқдорда зарар келтирган. Бир дона сертификатдан Ўсимликлар карантини инспекцияси 1200 сўм зарар кўрган. Бундан ташқари 5 кг қўл юки учун ҳам бир вагон юк учун ҳам 2000 сўм фитосанитар сертификат нархи номувофиқлиги мавжуд бўлган.

Шу боис маҳсулотларни ЖСТ ва халқаро талаблар даражасида муҳофазаланган сертификатлар билан таъминлаш ва табақалаштирилган нарх-

ларини жорий қилиш талаби вужудга келди. Бу 7- жадвалда келтирилди.

7- жадвал

Ўсимликлар карантини инспекцияси томонидан сертификатлаш ва хизмат кўрсатиш учун тўловлар миқдори²²

Т/р	Давлат хизматлари номи	хужжат номи	Ишлар нархлари (сум)	
			2018 йилгача	Муаллиф таклифи ВМ.№ 65-қарорига асосан 2018 йилдан жорий қилинган.
1	Карантин остидаги юкларга импорт карантин рухсатнома расмийлаштириб бериш	<i>Рухсатнома</i>	Хар бир партияси учун 14 000	БХМни бир барабар миқдорида
2	Экспорт маҳсулотларига фитосанитар сертификат расмийлаштириб бериш			
2.1.	40 кг гача бўлган бир дона жўнатма (қўл юки)га	<i>сертификат</i>	2 000	БХМни 15 фоизи миқдорида
2.2.	500 кг.гача юк ортилган бир транспорт бирлигига	<i>сертификат</i>	2 000	БХМни 20 фоизи миқдорида
2.3.	1000 кг.гача юк ортилган бир транспорт бирлигига	<i>сертификат</i>	2 000	БХМни 25 фоизи миқдорида
2.4.	1000 кг.дан ортиқ юк ортилган бир транспорт бирлигига	<i>сертификат</i>	Хар бир партияси учун 2 000	БХМни 50 фоизи миқдорида
3	Республика ичида фитосанитар сертификат расмийлаштириб бериш			
3.1.	500 кг дан ортиқ юк ортилган бир транспорт бирлигига	<i>сертификат</i>	-	БХМни 10 фоизи миқдорида

Изланишлар 2026-2030 йилгача прогноз натижалари,

8-жадвал

Республикада мева-сабзавот экин майдонларида карантин организмлари билан зарарланиш даражаси ва уларга қарши кураш кўлами ўзгаришининг 2030 йилгача бўлган прогнози

Йиллар	Жами назоратга олинган майдон, (га)	Ш.ж, ҳашоратга қарши ишлов берилган (га)		ҳашоратга қарши кураш учун жалб қилинган		
		кимёвий ишлов	биологик ишлов	молиялаш миқдори, (млн сўм)	ходимлар сони, (киши)	техник воситалар, (млн сўм)
2026 йил	111120.65	26877.26	2924.29	83766.11	2110.21	16913.72
2027 йил	114513.41	29896.07	3212.71	93436.03	2489.34	18710.16
2028 йил	117906.17	33678.82	3501.13	104222.24	2936.59	20697.39
2029 йил	121298.93	38557.51	3789.55	116253.61	3464.19	22895.69
2030 йил	124691.69	45089.07	4077.96	129673.88	4086.59	25327.48

Республика бўйича 2030 йилигача бўлган муддатдаги прогнозларда ҳам карантин организмларига қарши биологик кураш кўлами 2024 йилдаги 2347 гектардан 4077 гектарга ортиб боради. Зарарли организмларга қарши курашга жалб қилинган молиялаш миқдори 67324 млн сўмдан 129673 млн сўмга ортиши ва бунда зарарли организмларга қарши кураш билан боғиқ техник воситалар ҳажми ҳам 13821 млн сўмдан 25327 млн сўмга ортиши кераклигини кўрсатади.

²² Вазирлар Маҳкамаси 2018 йил 29 январдаги № 65-сонли қарори билан тасдиқланган. (Муаллиф таклифи)

ХУЛОСАЛАР

“Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт ва импорт қилишда ўсимликлар карантини хизматини такомиллаштириш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўсимликлар карантини-мамлакат ўсимликлар дунёсини ва биохилмаҳилликни асраш ҳамда биологик хавфсизликни таъминлаш, зарарли организмларнинг хорижий давлатлардан мамлакат ичкарасига кириб келиб тарқалиши ва мамлакат ичидаги мавжуд карантин организмаларнинг четга чиқиб кетиши оқибатида жиддий иқтисодий зарар етказишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари савдо-иқтисодий алоқалари жараёнида фитосанитар текширувлар ва уларни ўз вақтида аниқлашни амалга ошириш, шунингдек уларни йўқ қилиш ва зарарсизлантириш ишларини бажаришдан иборат. Ўсимликлар карантинини иқтисодий ривожлантиришнинг назарий, ташкилий асослари бўйича Ўзбекистон Республикасида биринчи марта илмий тадқиқот ишлари олиб борилди.

2. Ўсимликлар карантини хизмати ўсимлик ва ўсимлик маҳсулотлари билан савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишда муҳим ўрин тутди. Ишлаб чиқиладиган маҳсулот сифатини ва экспортбоп маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, касаллик, ҳашарот ва бегона ўтлар ҳамда бошқа хавфли зарарли организмларга қарши курашда иқтисодий харажатларни камайтириб, Импортёр мамлакатларнинг қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот экспорт маҳсулотларига бўлган талаблари асосида халқаро меъёрлар ва стандартларга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш орқали маҳсулот етиштирувчи ва экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектлари даромадларини ошириш орқали ҳар бир вилоят ва мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантиради.

3. Мавжуд ўсимликлар карантини хизмати фаолияти қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда экспортбоп маҳсулотлар ҳажми ва турини кўпайтиришга ижобий таъсир этади. Бу эса, ўсимликлар карантин тадбирларни мунтазам ва тизимли равишда ўсимликлар карантин хизмати билан маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, экспорт-импорт фаолиятини ташқи иқтисодий фаолиятни олиб боровчи хўжалик субъектлари билан боғлиқликда иш олиб боришни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан ўсимликлар карантини хизматлари ва карантин тадбирлар ҳамда экспорт-импорт фаолиятлари ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, бирининг фаолияти иккинчисига бевосита таъсир кўрсатади.

4. Ўсимликлар карантини хизматларини такомиллаштириш ва мева-сабзавот экспорт-импортини ривожлантиришни ўзаро боғлиқликда олиб бориш, зарур инфратузилмаларни шакллантиришни талаб қилади. Ушбу хизматлар ва тадбирларнинг самарадорлигини боғлиқликда оширувчи инфратузилмаларни асосан бешта йўналишда ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Улар инновацион таъминот, кадрлар таъминоти, технологик таъминот, ахборот

таъминоти ва ушбу жараёнларнинг молиявий таъминоти билан шуғулланувчи инфратузилмалардан иборат.

5. Ўсимликлар карантин хизматларини такомиллаштириш мева-сабзавот маҳсулотлари экспорт-импортини ривожлантиришга таъсири, алоқадорлиги нуқтаи назаридан самарадорлик кўрсаткичлари таклиф қилинди. Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида экспортбоп маҳсулотлар етиштиришдаги ўсимликлар карантин хизматлари ва мева-сабзавот экспорт-импортини ривожлантириш ўзаро боғлиқликда таъсир этувчи омиллар ташкилий-бошқарув, иқтисодий-молиявий, техник-технологик, ҳуқуқий ва халқаро кўринишларга эга.

6. Қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотлари ишлаб чиқаришда экспорт-импорт фаолиятини ташқи иқтисодий фаолиятни олиб боровчи хужалик субъектлари билан ўсимликлар карантини давлат хизмати ҳамкорликда иш олиб бориши, экспортбоп маҳсулот етиштиришда уни экишдан токи йиғиштириб олишгача бўлган даврда экспортга салбий таъсир этадиган маҳсулот сифатини пасайтирадиган ёки уни экспортга йўналтиришга салбий таъсир этадиган карантиндаги ва бошқа зарарли организмларга қарши кураш тадбирларини биргаликда, ўз вақтида олиб бориш тавсия этилади. Ушбу жараёнда агроном инспекторлар дала назоратини ўтказишини доимий ташкил қилиш, маҳсулот етиштиришда химиявий моддалар билан ишлашда белгиланган меёрларга амал қилиниши- маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг экспортбоплигини таъминлайди.

7. Қишлоқ хўжалиги ва мева-сабзавот маҳсулотларини экспортга йўналтиришда карантин хизматлари, логистик марказлар, аэропорт ва темирўл станцияларида ҳамда чегара масканларида инфратузилмаларни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, сертификатлаш жараёнлари, маҳсулотни қадоқлаш ва зарарсизлантириш билан боғлиқ жараёнлардаги оптимал муддатлар реал вақт ичида ташкил қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

8. Ўсимликлар карантини хизматлари ва карантин тадбирларнинг молиявий таъминоти манбаларини кўпайтириш орқали замонавий лаборатория ва мобил техникалар билан таъминлаш Ўсимликлар карантини давлат хизматини ривожлантириш жамғармаси маблағлари, давлат бюджетидан ажратилган маблағлар эвазига материал техник базасини мустахкамлаш, ходимларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, ўсимликлар карантини давлат хизмати фаолиятини такомиллаштиришга имконият яратади.

9. Хавфли ва карантин рўйхатига киритилган зараркунанда ҳашаротлар, ток филлоксераси, фастидиоза касаллиги кириб келиши ва тарқалиб кетмаслиги, карантин тадбирлар ўз вақтида ва белгиланган тартибда бажарилиши учун махсус отрядлар ташкил қилиш ва кластерлар, фермерлар, ботаника боғлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларда карантин хизматидан масъул шахслар тайинлаш мақсадга мувофиқ.

10. Ўсимликлар карантини хизматини ривожлантириш ва мамлакат фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш муҳим иқтисодий, ижтимоий, экологик ва сиёсий аҳамият касб этади. Шу сабабли мамлакат фитосанитар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги, Инвестициялар, саноат ва савдо, Соғлиқни сақлаш, Табиат Ресурслари вазирликлари ва

Божхона қўмитаси мутахассисларидан иборат доимий фаолият юритувчи экспертлар кенгаши ташкил қилиниб, фитосанитар ҳолат бўйича фаолият олиб бориши ва Ўсимликлар карантини бўйича миллий маъруза тайёрланишида иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

11. Соҳада ўсимликлар карантини ва химояси бўйича мутахассислар етишмаслиги туфайли агроном инспекторлар лавозимида биологлар, экологлар, зоотехниклар, инженерлар, иқтисодчилар ва бошқа соҳа мутахассислари ишга қабул қилинган. Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича мутахассислар тизимда 776 нафарни, олим агрономлар 659 нафарни, соҳага яқин турдош мутахассисликлар 288 нафарни ва соҳага оид бўлмаган мутахассислар 1228 нафарни ташкил этади. Ўсимликлар карантини ва химояси бўйича мутахассислар 776 нафар ёки 26.3% ни ташкил этса, турдош мутахассисликлар 947 нафар ёки 32% ни, бошқа соҳага оид мутахассислар 41.6% ни ташкил этади. Таҳлил натижаларидан кўринадики, тизимда фаолият юритаётган кадрлар 58 % дан ортиқ таъминоти мавжуд ва уларни малакаларини ўсимликлар карантинига оид фитосанитар талаблар даражасида ошириб бориш талаб этилади, тизимда фаолият олиб бораётган 43% мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш талаб этилади.

12. Ўзбекистон Республикасининг Жахон савдо ташкилотига аъзо бўлишида фитосанитар чоралар бўйича халқаро стандартлар, меъёрий-ҳуқуқий асосларга уйғунлаштириб бориш ва ўсимликлар карантини давлат хизмати фаолиятини унга мувофиқлаштириб бориш талаб қилинади.

ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ

LIST OF PUBLISHED WORKS

1. Алимов М.О. Ўсимликлар карантини хизматининг ташкилий асослари ва унинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт-импорт қилишдаги ўрни. бўлим бошлиғи ЎКХИТИ. Журнал. Agroiqtisodiyot 2 (63:001632), – Б.26-29.

2. Алимов М.О. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришда карантин хизматини такомиллаштириш.// Agroiqtisodiyot, 2023 йил 3-сон 60-62 бет.

3. Yangi O'zbekiston sharoitida O'simliklar karantini tizimi faoliyatini takomillashtirish va iqtisodiy samaradorligini oshirish. 2023-yil, sentyabr. № 9-son. 16-19 bet. 2023-yil, sentyabr. № 9-son. “Yashil iqtisodiyot va taraqqiyot”

4. Foreign experiences on improvement of quarantine service in promotion of export of fruit and vegetable products and possibilities of their use. American Journal of Business Management, Economics and Banking Volume 15 August, 2023. – pp.77-81.

5. Алимов М.А. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш импорт ва экспорт қилишда ўсимликлар карантинининг ўрни ва роли. ЎКХИТИ Тошкент давлат Аграр университети “Озиқ-овқат хавфсизлигида ўсимликлар химоясининг инновацион технологиялари” мавзусидаги ҳақаро илмий-амалий анжумани 2021 йил 1 июль. – Б.414-426.

6. Алимов М.О. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш импорт ва экспорт қилишда ўсимликлар карантинининг ўрни ва роли. Тошкент давлат Аграр университети “Озиқ-овқат хавфсизлигида ўсимликлар ҳимоясининг инновацион технологиялари” мавзусидаги хақаро анжумани 2021 йил 1 июль. – Б.414-426.

7. Алимов М.О. Картошка олтин нематодаси ва унинг озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда мамлакат қишлоқ хўжалиги иқтисодига зарари. “O‘simliklar karantini va himoyasida innovatsion texnologiyalar” илмий амалий конференция. Том-2. – Б.102-104.

7. Алимов М.О. Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришда карантин хизматини такомиллаштириш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. Конференция юридик университет. “Яшил иқлим” ва озиқ-овқат маҳсулотининг сифати ҳамда хавфсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий масалалари” – Тошкент, 2023. – Б. 66-74.

8. Совершенствование и экономические развитие государственной службы карантина растений в условиях нового Узбекистана. International conferenc on advance research in humanities, applied sciences and education с.1-6.

9. Алимов М. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида мева-сабзавот экспорт ва импорт қилишни ривожлантиришда ўсимликлар карантини тизимида электрон рақамли технологиялар жорий қилиниши. Конференция. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида минтақада тадбиркорлик, инновацион технологиялар ва саноат инфратузилмаларини жадал суръатларда ривожлантириш истиқболлари: муаммо ва ечимлар 503-506 бет. Нукус-2023йил. Қорақалпоғистон университети

10. “Мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилишни рағбатлантиришда карантин хизматини такомиллаштириш билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш. «Қишлоқ хўжалигида кооперация муносабатларини ривожлантириш асосида тармоқда қўшилган қиймат занжирини яратиш йўллари» мавзусидаги халқаро конференция маърузалари тўплами (15.12.2023 й) – Б.100-103.

11. Экономическое развитие государственной службы карантина растений в условиях нового Узбекистана. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10937974>

1. Алимов М.О., Мамажанова Д. Виноградники должны быть защищены от самых опасных карантинных организмов// Материали XV международна научна практична конференция 1 (4), – София, 2019. – С.7-9.

2. Алимов М. Сулаймонов О, Бобожонов Қ. Повышение эффективности государственной службы карантина растений Республики Узбекистан. Дистанционные возможности и достижения науки (июль 2020 г). Киев 1 (UO‘T: 63 ...

